

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

УЎК (УДК, UDC):
DOI:10.36078/1565763904

ТАРЖИМА КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ



Шахриёр Сафарович САФАРОВ
филология фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат чет тиллар институти
Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақола таржима фаолиятининг пойдеворини ташкил этувчи муҳим ҳодиса – таржима компетенцияси тавсифига бағишланган. Муаллиф асосий эътиборни таржима ҳодисасининг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги лисоний-мантиқий алоқаларга қаратади. Компетенция ҳодисасининг беш асосий қисмини батафсил ёритиб, уларни шакллантирувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлайди. Хулосада таржима компетенциясининг когнитив моҳиятини белгиловчи кўрсаткичлар санаб ўтилади, уларнинг ҳосил бўлиш ва таржима муҳотида фаоллашувини таъминловчи нутқий тафаккур ҳаракатларининг воқелантирувчи шартлар қатори фарқланади.

Калит сўзлар: компетенция; билим; кўникма; хотира; касбий фаолият; мавзу компетенцияси; маданий компетенция; ўгириш компетенцияси; стратегия компетенцияси; когнитив тузилма.

СОСТАВНЫЕ ЧАСТИ ПЕРЕВОДЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ

Шахриёр Сафарович САФАРОВ
Доктор филологических наук, профессор
Самаркандский государственный институт иностранных языков
Самарканд, Узбекистан

Аннотация

Перевод является одним из сложных заданий, требующих профессиональных способностей и навыков. Для того чтобы объяснить эту уникальную компетенцию, учёные пытаются разбить её на составные части, которые могут быть изучены как по отдельности, так и в сочетании друг с другом. В данной статье приоритет отдаётся детальному определению иной субкомпетенции, участвующей в процессе перевода, с целью выявления комплекса принципов, формирующих основу развития переводческих навыков. Мы надеемся, что это даст возможность изучить взаимосвязь этих субкомпонентов перевода и в итоге получить

желаемый результат в обучении переводчиков для достижения уровня переводческой компетенции.

Ключевые слова: компетентность; знания; привычка; объем памяти; профессиональная деятельность; предметная компетентность; культурная компетентность; передать компетенцию; стратегическая компетентность; когнитивная структура.

COMPONENTS OF TRANSLATION COMPETENCE

Shahriar Safarovich SAFAROV

Doctor of Philology, Professor
Samarkand state Institute of foreign languages
Samarkand, Uzbekistan

Abstract

Translation is one of the complex performance tasks, which needs professional ability and skills. In order to explain this unique competence, scholars tend to break it down into a set of interrelated sub – competences, which can be studied in isolation, as well as in combination with each other. In this article the first priority is given to define more clearly the different sub – competences involved in the translation process, in order to identify a set of principles which form the basis for developing translation skills. We hope that then it gives possibility to work on the interrelation of those subcomponents of translation competence and finally to incorporate the achieved results into a programme designed to enable practitioners to achieve desired level of translation competence.

Keywords: competence; knowledge; habit; memory; professional activity; subject competence; cultural competence; transfer competence; strategy competence; cognitive structure.

Таржима жараённинг когнитив жихатлари борасида сўз борганида таржимоннинг иш фаолияти асосида турадиган ва ушбу фаолият ижросини таъминлаш учун муҳим бўлган қобилият ҳақида фикр юритиш одат тусига кирган. Илмий адабиётларда “таржима компетенцияси” номини олган ушбу тушунчага биринчилардан бўлиб берилган таърифда унинг “таржима жараённинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи билим ва маҳоратдан” иборат эканлиги таъкидланган эди (2, 43). Ушбу таърифда таржима қобилияти қўлланиладиган стратегияни белгилаб берувчи малака ва маҳорат жамламаси сифатида талқин қилинади. Кейинги йиллари эълон қилинган ишларда баён қилинган фикрлар таҳлили ушбу тушунчанинг муаллифлар томонидан турлича изоҳланиб келинаётганлигидан гувоҳлик беради. Баъзилар таржима компетенциясининг турли субгуруҳлари мавжудлиги ҳақида ёзишни ёқтирадилар (23; 10; 14), бошқалар эса бу турдаги компетенциянинг билим, қобилият, малака, кўникма, уқув қабилардан таркиб топишини кўрсатиб ўтадилар (4; 8) Шунинг билан биргаликда, таржима компетенциясининг таркиб топиши, моҳияти борасидаги фикр-мулоҳазалар таржимашунослик фанида янги йўналишлар юзага келиши баробарида ўзгариб туради. Буни, айниқса, кейинги ўн йилликлар мобайнида таржима назариясида шаклланган моделлар, қарашлар таъсирида билдириладиган

фикрларда кўриш мумкин. Компетенциянинг муайян субгуруҳларга тақсимлаб ўрганилиши, сўзсиз, таржима фаолияти учун зарур бўлган билим захираси қобилият, кўникма ва қобилият намуналарини системалаштирилган ҳолда тасвирлашга имкон беради. Аммо бундай системалаштириш дидактик мақсадга тўлиқ жавоб бермайди. Шунингдек, таржима компетенциясини турли хусусиятларнинг оддий мажмуаси сифатида қаралиши ҳам методик кўрсатмалар таклиф қилиш учун дастурул-амал бўла олмайди. Бизнингча, мазкур ёндашувлар бир-бирини тўлдирганида, маълум жуфтликда методик қийматга эга бўла олади.

Тадқиқотчиларнинг талқинларидаги ҳархилликни қайд этаётиб, уларнинг умумий хислатлари (аслият матннинг идроки ва ушбу матннинг бошқа тилда қайта яратилиши учун таржима тилини идиоматик даражада билиш, аслият ва таржиманинг коммуникатив қиймати мослигини сақлаш) ҳақида қарийб бир хил фикр юритилишини ҳам эътироф этишимиз лозим. Бу ҳақда кўплаб назарийчилар томонидан маданий компетенциянинг алоҳида субгуруҳ сифатида ажратилиши ҳамда динамик эквивалент (Ю. Найда), маданий таржима қилинмаслик (Cultural untranslatable – Ж. Кэтфорд) каби терминларнинг истеъмолга киритилиши ҳам гувоҳлик беради.

Таржимани аслиятнинг оддий акси, унинг фақатгина қайта яратилишидан иборат эмаслигини эътироф этишдан чекинадиган мутахассис қолмаган бўлса керак. Таржимоннинг вазифаси муқобил вариант ёки эквивалентни топишдан иборат бўлса, унда унинг эквивалентлик борасидаги тушунчаси индивидуалдир. Ҳатто у барча мавжуд бўлган ва шаклланиши мумкин бўлган эквивалентлардан хабардор бўла туриб, уларнинг қайсиларини инкор этиш ҳамда қай бирини танлаш “эркинлиги”, имконига эга.

Таржимондан ҳар қандай ҳолатда ҳам профессионализм, яъни таржима фаолияти учун зарур бўлган касбий билим ва маҳоратни тўлиқ эгаллаш талаб қилинади. Бироқ касбга оид сифатлар ҳар доим бир хилда фаоллаша олмайди, чунки уларнинг намоён бўлиши турли омилларга боғлиқ. Бундай омиллар қаторига таржима тури, матннинг қайси соҳага оидлиги, жанр хусусиятлари кабилар киради. Шунга нисбатан, таржима компетенцияси ҳодисасини турли нуқтаи назардан тавсифлаш, структур қисмларга ажратиш аънанаси мавжуд. Бинобарин, рус таржимашунослари билим–маҳорат–кўникма учлиги доирасида шаклланадиган асосий, махсус ва хусусий компонентларни таржима компетенциясининг таркибий қисмлари сифатида қарайдилар (24, 136). Барселонада фаолият кўрсатаётган РАСТЕ (Process in the Acquisition of Translation Competence and Evaluation) гуруҳи таржима компетенциясини жуфтлик (биллингвистик), нолисоний таржимага оид билим, инструментал,

стратегик каби беш компонентдан иборат деб ҳисоблаб, кейинчалик бунга психо-физиологик компонентларни ҳам қўшиб қўяди. Билингвиаллик компоненти иккала тил лексик-грамматик тизимидан фойдаланишнинг прагматик, социоллингвистик кўрсаткичларидан ташкил топса, нолисоний компонент эса қомусий ва маданий билимдан иборат. Таржима жараёнининг кечишини бошқарувчи тамойиллар, қоидаларни қамраб оладиган компонент таржима қобилятининг ажралмас қисмидир. Турли манбалар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имконини берадиган билим инструментал компонент деб аталмоқда. Ажратилаётган компонентлар орасида таржима стратегияси энг муҳим компонент ҳисобланади, чунки стратегия танлови мақсадга биноан режа тузилишини, кечаётган таржима жараёни ва унинг илк натижаларини баҳолаш каби фаолият турларини акс эттиради. Шунингдек, таржима самараси учун муҳим бўлган психо-физиологик компонентлар хотира, диққат, танқидий муносабат, қаътият каби руҳий имкониятлар билан бир қаторда, ижодкорлик, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мантиқий асослаш каби когнитив ҳаракатларни ҳам қамраб олади.

Д. Келли ва Г. Шрив каби тадқиқотчилар таклиф қилишган таснифлар юқоридаги гуруҳланишнинг қарийб такрори бўлиш билан бирга, баъзи қўшимчаларга ҳам эга. Жумладан, Д.Келли бу қаторга таржима жараёнига жалб қилинган бошқа кишилар билан ишлаш малакасини акс эттирувчи шахслараро мулоқот компетенциясини ҳам киритса (7, 33), Г. Шрив асосий эътиборни матн шакллантириш қоидалари мажмуасига қаратади (16).

Таржима компетенциясининг нималардан таркиб топишини аниқлаш кийин масала эканлиги барчага маълум. Таржиманинг бошқа касбий фаолиятга нисбатан мураккаб эканлиги яққол кўриниб туради. Шундай экан, таржима компетенциясининг моҳиятини белгиловчи хусусиятлардан бири мураккаблик эканлигини эътироф этмоқ керак. Шунингдек, таржима жараёни бир-биридан тамоман фарқ қиладиган укув, қобилятнинг фаоллашувини тақозо этади. Мисол учун бадий ва илмий-техник таржима лисоний билимнинг касбга, фан соҳасига оид билим билан омукталанишини талаб қилади. Бу таржима компетенциясининг яна бир фарқли белгиси хилма-хиллик (heterogenety) эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, таржима компетенциясига тахминлик табиати хосдир. Чунки таржимонлар, барча соҳалардан бир хилда хабардор эмаслиги боис, баъзи ҳолатларда тахминларга таянадилар. Бундан ташқари, таржимонлар доимо изланишда, улар янги ифода усулларини қидирадилар, турли манбалардан фойдаланадилар, мутахассислар маслаҳатига зориқиб турадилар. Шунинг учун ҳам таржима

компетенциясининг яна бир фарқли белгисини унинг тугалланмаганлиги, "янгиликка очик" лигида (open-ended) кўриш мумкин.

Таржима – янги ахборот манбасидир ва ушбу янги ахборот номланиши, лисоний белги олиши зарур. Мазкур заруратнинг қондириш мақсади ижодкорлик, креативликни уйғотади. Бу турдаги ижодкорликка янги муҳит ва дискурсив шароитга мослашаётган аслият матни ундайди, таржимон эса янгича шакл ва мазмун муносабатини танлайди. Натижага эришиш, ўз навбатида, таржима вазияти билан боғлиқ. Ситуативлик хусусияти олдинги (аслият яратилиш пайти) ва янги вазиятларни бирхилда акс эттиради. Тажрибали таржимон юзага келадиган вазиятларни тезда фарқлаш ва уларга мос равишда фаолият юритишга қодир, албатта. Вазиятларнинг мунтазам ўзгариб бориши эса тарихийлик (historicity) хусусиятини юзага келтиради. Белгиланган режани амалга оширишнинг турли йўллари мавжуд, лекин муайян вазиятда таржимон энг тўғри ва маъқул йўлни танлашга мажбур. Демак, замон ва макон таржима жараёни самарали кечишига туртки берадиган омиллардир.

Таржима компетенциясининг санаб ўтилган етти кўрсаткичи бири-биридан айри ҳолда намоён бўлишини тасаввур қилиш қийин, улар ўзаро боғлиқликда фаоллашиб, ягона бир мажмуани ташкил қиладилар. Сўзсиз, аниқ бир мақсад, таржима режаси умумий компетенциянинг у ёки бу қисмини олдинги ўринга суриши мумкин. Таржимоннинг лисоний фаолияти бошқа тилдан фойдаланувчи шахсларникидан тубдан фарқ қилиши аниқ. Лекин таржимонлар зиммаларидаги мураккаб вазифани бажариш учун айнан бошқалардан фарқловчи билим ва тажрибага эга бўлишлари шарт.

Ҳозиргина санаб ўтилган хусусиятларни таржима компетенциясининг иккиламчи белгилари деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда бирламчи (зотий) компонентларни излашга мажбурмиз. Лейпциг университети профессори Албрехт Нойберт таржима компетенциясининг асосий бирламчи таркибий қисмлари (1) лисоний компетенция (language competence), (2) матн компетенцияси (textual competence), (3) мавзу (соҳа) компетенцияси (subject competence), (4) маданий компетенция (cultural competence), (5) ўгириш компетенцияси (transfer competence) сингари компонентлардан иборат деб ҳисоблайди (9, 6). Воқеан, мазкур компетенцияларнинг ҳаракатга тушиши таржимани бошқа турдаги коммуникатив жараёнлардан чегаралайди, улардан бирортасининг фаоллашмасдан қолиши таржима жараёнининг кечишига тўсиқ қўяди. Ажратилган компетенциялар орасида бешинчисининг роли ўзига хос, у коммуникатив ҳаракатлардан фақат таржима жараёнида фаоллашиб,

лисоний билим бирга матн, мавзу, маданиятга оид билимларни ўз ихтиёрига олади.

Таржимашуносликнинг муҳим вазифаларидан бири мазкур компонентларнинг ўзаро муносабатга киришув шартларини аниқлаш ҳамда шу аснода таржима фаолияти самарасини таъминлаш учун яроқли бўлган умумий компетенцияни шакллантириш мумкинлигини ёритишдан иборат. Бошқа томондан, умумийлик хусусийликдан узоқлашиб кетмайди: таржима компетенциясининг мураккаблиги уни таркиб топтирувчи қисмларнинг индивидуаллигини тақозо этиши билан бирга, шу индивидуал хусусиятларсиз мавжуд бўла олмайди. Шунга биноан, ўзаро алоқадорликдаги алоҳида компонентлар ва уларда акс топадиган билим ҳамда кўникмаларнинг ёритилиши турли методлар татбиқида кечади.

Ўз пайтида Б. Ҳаррис билингвистик даражага эришган шахсни табиий таржимон (*natural translator*) деб эълон қилган эди (5). Иккита тилни ўзлаштираётган шахс, муайян даражада таржима қилиш малакасига эга бўлиб бориши бегумон. Бироқ жуфттилликка эришиш таржима компетенциясининг тўлиқ шаклланишига кафолат бўла олмайди. Лисоний билим таржима фаолиятининг фақат биргина (майли, муҳим бўлсин) қатламидир. Боз устига, таржима жараёнида она тилининг қиймати юқори даражада бўлиб, чет тили грамматик-лексик системаси ҳақидаги билим баъзан кейинги босқичга сурилади. Хорижий тилга оид билими ўрта даражада бўлган ижодкорлар шу тилда битилган матнларни она тилларига ўгиришда ижобий натижаларга эришаётганлигига баъзан гувоҳ бўлиб турамыз.

Лисоний компетенциядан матн яратиш қобилиятига ўтиш йўли биртекис эмас. Тил системасига оид билим билан дискурсив қобилият ўртасида боғлиқлик бўлиши табиий. Матн ва таржима жараёни бир хилда тизимли характерга эга, аммо улар, тил тизимидан фарқли равишда, фаол тизимлардир. Таржимонлар ушбу тизим билан яхши таниш бўлишлари ва матнга хос белгиларни лисоний тизимдагилардан фарқлай олишлари шарт. Дискурсив фаолият юритишга оид билим, шунингдек, матн ва жанр турларининг икки тилдаги ўзига хос хусусиятларидан ҳамда уларнинг таржима амалларини қўллашга ўтказадиган таъсир кучларидан хабардор бўлишни талаб қилади.

Таржима компетенциясининг ажралмас қисмлари сифатида қараладиган соҳага оид ва маданий билимлар тўплами нолисиний характерга эга. Айтиш жоизки, таржимоннинг муайян соҳага оид билими тўла-тўқис бўлиши қийин, чунки таржимон турли соҳаларга оид матнларни ўгиришга мажбур ва унинг бу борадаги билими ҳар доим ҳам фаол бўлавермайди. Таржимондан ҳамма нарсани билиш талаб қилинмайди ва бунга ҳожат ҳам йўқ.

Муҳими, у маълумотларни қандай ва қаердан топиш кўникмасига эга бўлишидир. Бадиий адабиётлар таржимасига келадиган бўлсак, уларда тасвирланаётган воқеалар (ҳаётий ва тўқима бўлишидан қатъи назар) шу қадар мураккабликларга бойки, муаллиф битиклари орқасида яширилган ўй-фикрларни охиригача ўқиш учун кишининг умри ҳам етмай қолиши мумкин.


Жумладан, турли ихтисосликларга оид матнлар таржимасида кўпмаъноли, омоним лексемалар, синоним ва антонимлар ифодалаётган маънони ажратиш ва уларни бирор-бир бошқа тилга ўгириш қийин кечиши ҳаммага маълум. Шу каби қийинчиликлар, масалан, инглиз тилидаги синоним – терминлар *homicide*, *murder*, *manslaughter* кабилар таржимасида юзага келади. Уларнинг умумий маъноси “бирор кишини ҳаётдан маҳрум этмоқ” бўлса-да, лекин уларнинг қўлланиш контексти турлича. Бинобарин, ушбу синонимларнинг луғатлардаги изоҳлари гувоҳлик беришича, *homicide* лексемаси фарқловчи эга эмас, *murder* сўзи эса “олдиндан режалаштирилган, қасддан” семасига эга: *to kill unlawfully, esp. On purpose* (Longman Dictionary 1986:18). Ниҳоят, *manslaughter* лексемаси семантик таркибида “атайлаб қилинмаганлик” семаси мавжудлиги боис, у қотилликнинг қасддан қилмаганлигидан дарак беради: *the crime of killing a human being without malice aforethought* (13). Ўзбек тили луғат захирасида бу каби фарқланувчи самарага эга махсус терминларининг йўқлиги таржимада тавсиф амалларига мурожаат қилиш ҳамда “қасддан”, “режалаштирган”, “қасдсиз”, “тасодифан” каби аниқловчилардан фойдаланишга мажбур бўламиз.

Семаларга ажратиш таҳлили, бундан ташқари, яширин маъноларни, турли маъно боғланишлари билан боғлиқ ассоциацияларни, аллюзия ҳолатларини англашга, лақуналар ўрнини тўлдиришга, шунингдек, таржимада аслиятдаги тағмаънони иложи борича сақлашга, иложсизликда эса очиб беришга имкон беради. Демак, ушбу йўналишдаги таҳлил таржима компетенциясининг барча компонентлари шаклланишида ўз ҳиссасига эга.

Ўгириш компетенцияси таржима қобилиятининг марказида туради ва бошқа қисмларнинг бирикувини таъминлайди. Ушбу компетенцияни эгаллаган шахсгина маълум бир матннинг қўйилган мақсадга мос равишда бир тилдан иккинчисига ўгириши мумкин. Бу мақсадга эришиш учун таржимон матнни тушуниш қобилиятига (таҳлил ва умумлаштириш, мазмунни англаш учун нолисоний билим манбаларини жалб қилиш кўникмалари) эга бўлиши, мазмунни қайта воқелантириш ва тағмаънони сақлаб қолиш малакасини шакллантириши лозим бўлади.

Шундай қилиб, таржима компетенцияси мажмуавий кўринишга эга, унинг таркибидаги қисмларнинг ўзаро алоқаси асосида бажарилаётган

харакатлар таржима фаолиятининг истиқболи ва самарасини белгилайди. Таржима компетенцияси компонентлари бирикуви ягона бир яхлитлик ҳосил қилишини ва ушбу компонентлар муносабатларини қуйидаги чизмада тасвирлаш мумкин:



Чизмадаги охириги – стратегия компетенцияси, испан тадқиқотчиси Мариана Орозконинг изоҳича, таржима жараёнида бажариладиган барча амалларни ва жалб қилинадиган тадбирларни ўз ичига олади (13, 201). Ушбу амалларнинг режали ва беихтиёр бажарилиши вербал ёки новербал кўринишда бўлиб, таржима жараёнида юзага келадиган муаммоларни ечишга йўналтирилади. Равшанки, муаммо ечимини излаш жараёни бир неча босқичдан иборат когнитив фаолиятни акс эттиради ва улардан биринчиси муаммо мавжудлигини эътироф этишдир (17). Бошқа стратегик босқичлар қуйидагилар: асосий ва иккиламчи масалаларни фарқлаш; концептуал боғлиқликларни аниқлаш; ахборот излаш; парафраза амалини бажариш; таржимани баҳолаш; манбаларни тартибга солиш ва ҳоказо.

Инчинун, таржима компетенциясини, баъзи тадқиқотчилар ўйлаётганларидек, қандайдир уч босқичли қобилиятнинг (декодификация, ўғириш ва қайтадан лисоний воқелантириш) намоён бўлиши кўринишида тасаввур қилиш тамоман нотўғридир. Таржима жараёнининг уч босқичли

моделли тарафдорларининг фикрига эргашадиган бўлсак, ҳар бир матннинг ўзида уни қандай ўгириш тўғрисидаги кўрсатмаларни таржимонга "шипшитиб" турадиган белгилар мавжудлиги борасидаги тўқимага ишонишга мажбурланамиз. Аслида, таржима матнини "аслиятда хабар берилган ахборот ҳақида ахборот узатувчи тузилма" сифатида талқин қилиниши маъқулроқ (11, 32). Бундай ҳолатда таржимон таклиф қилаётган ахборот аслиятнинг маълум вазиятга мослиги билан боғлиқ ва таржима матнининг бажарадиган вазифасига ҳозиржавоб бўлади. Малакали таржимондан ушбу вазият ҳақидаги ахборотни излаб топиш талаб қилинади. Шу сабаб бўлса керакки, таржима вазиятларини таҳлил қилиш қобилияти таржима компетенциясини шакллантирувчи асосий элементлар қаторига киритилиб келинмоқда (18, 112). Бу қобилият таржима маҳсулотининг маъқулини аниқлаш ва ушбу таржима вазиятига мос келадиган таржима стратегиясини танлаш имконини яратади.

Таржима компетенцияси ҳодисасининг кенг кўламдаги талқини назариётчи ва амалиётчилар лаҳжасидан мустаҳкам ўрин олган ҳамда тинимсиз муҳокама қилиниб келинаётган эквивалентлик тушунчасини ҳам ўзгача нуқтаи назардан талқин топишига сабаб туғдиради. Таржимашунослик ғилдирагини айлантириб келадиган эквивалентлик тушунчасини ҳеч тортинмасдан мураккаб концептлар қаторига қўшиш мумкин. Ушбу концепт матни бир тилдан иккинчисига ўгириш натижасини баҳолашнинг асосий мезонларидан бирига айланган. Бир ёки бир қатор эквивалентларни танлаш йўлидаги изланишлар лисоний, стилистик танловлар, матн ва мавзуга оид чекловлар, маданий кўрсаткичлар ўртасидаги "келишувлар"ни акс эттиради. Таржима жараённинг таржимон қабул қиладиган қарорлардан иборатлиги ҳақиқатдир. Мантиқан қараганда, компетенцияларнинг ҳеч бири танҳо равишда эквивалентликнинг тўғри танланишига олиб кела олмайди. Масалан, лингвистик эквивалентни оладиган бўлсак, тўғрисида айтганида, унинг таржимага алоқаси камроқ. Тўғри, қиёсий тадқиқотлар натижасида ажратилаётган тиллараро муқобилликларни маълум даражада таржимашуносликка сингдириш мумкин, аммо бундай пайтда ушбу муқобилликларнинг таржима фаолияти учун қиймати нақадар пастлигидан хабардор бўлиб туришимиз лозим. Зеро, лисоний жиҳатдан муқобил кўринаётган нарса таржима учун эквивалентлик қиймати эга бўлмаслиги мумкин. Лисоний шакл -шамойил эквивалентлик қийматини белгиламайди.

Баъзилар денотатив маънодаги ўхшашликни сифатли таржимани таъминловчи омил сифатида талқин қилишни ёқтирадилар. Сиртдан қараганда, бундай талқин тўғридек туюлса-да, лекин аслида бундай эмас. Мавзу доирасидаги эквивалентлик ҳар доим ҳам аслиятдаги пропозицияни акс

эттиравермайди. Таржимада муқобилликка етишиш учун эквивалентликнинг юқорида эслатилган барча турлари ўзаро алоқага киришиши шарт. Фақат шу алоқадорлик таржима компетенцияси шаклланишига йўл очиб бера олади.

Шу жиҳатдан, таржима компетенциясини таржима фаолияти учун зарур бўлган турли кўринишдаги билимлар мажмуасидан иборат ҳодиса сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқдир. Таржима жараёнига ташланаётган дастлабки назардаёқ таржимон ҳар хил билим ва малакаларни жалб қилаётганлиги кўзга ташланади. Бу билимлар тил тизимида оидлиги билан бир қаторда, реал воқелик, олам ҳақида ҳамда материалдан, манбалардан (масалан, луғатдан) фойдаланиш қобилиятидан иборат бўлиши мумкин. Бундан, албатта, ижодкорлик, диққат, муаммолар ечимини излаш каби когнитив қобилиятлар ҳам истисно эмас. Билимлар кўламининг турли-туманлиги замирида таржима компетенциясининг алоҳида қисмлари шакл топади.

Олдинги саҳифаларда эслатилганидек, таржима компетенциясини қисмларга ва босқичларга ажратиш масаласи доимо тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Эҳтимол, таржима компетенцияси марказига иккита тилни юқори даражада билишни назарга тутувчи билингвизмлик ҳодисасининг кўйилишини маъқул кўраётганлар ҳақдирлар. Аммо билингвизмлик қобилиятидан таржима мақсадида фойдаланиш учун икки тил тизимини алоҳида кўринишда эгаллашдан кўра, уларнинг ўзаро муносабати қийматини, яъни бирликларнинг мазмун ифодалаш имкониятларини билиш муҳимдир. Айнан шунинг учун ҳам таржима компетенцияси таркибида, лисоний ва соҳавий компетенциялар билан бир қаторда, фақат таржимонларга хос бўлган қиёслаш қобилиятининг фаоллиги таъкидланган (10, 411).

Дарҳақиқат, билингвизм таржимон учун зарурий хислатдир. Аммо "табиий" билингвизм ва таржимоннинг касбий жуфтчилиги ўртасида анчагина фарқ бор. Улардан биринчиси ҳам икки лисоний жамоа вакиллари мулоқотини таъминловчи восита ролини ўтайди, лекин бундай "воситачилик" бунда мулоқот мавзуси унинг субъектлари тажрибаси доирасидаги мавзулар, оддий воқеалар кўламида бўлади. Таржима билингвизмининг характерли хусусиятлари эса, ўз пайтида М. Я. Цвиллинг қайд этганидек, лисоний билимнинг тизимлиги ва нутқий ҳаракатларнинг онгли равишда бажарилишида кўринади (22, 116). Асосийси, ушбу хусусиятлар алоҳида олинган тиллар доирасида фаоллашиб қолмасдан, тиллараро муносабатларга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу доирада таржимон онгида мавжуд унсурлар ўртасидаги муносабатлар шакллари ҳам ўз кучини кўрсатмасдан қолмайди. Таржимоннинг касбий маҳорати ўсгани сари ушбу алоқалар янада кенг тармоқли бўлиб, махсус йўналишга боғланиб бораверади.

Таржимоннинг касбий жуфтликни қай даражада эгаллаганини белгиловчи мезонлардан яна бири унинг коммуникатив-функционал компетенциясидир. Таржима компетенциясининг мазкур қисмида шахснинг нутқий фаолият узуси, меъёрлари ҳақидаги билим, муайян кўринишдаги нутқий мулоқот вазиятларида лисоний бирликларни танлай олиш қобилияти назарга тугилади. Ушбу компетенциянинг баҳоси ифода воситаларининг ўринлилиги ва таржима матнининг табиий кўриниш олиши, ўқувчи томонидан керакли даражада осон идрок этилиши билан белгиланади. Кўрсатилган шартларга риоя қилинмаслик эса аслиятда кўзланган коммуникатив мақсаддан йироқлаштириши мумкин. Мисол тариқасида Алишер Навоийнинг барчага таниш ҳикматли мисраси таржималарини қиёслаб кўрайлик:

*Билмаганни сўраб ўрганган олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.*

Инглиз тилидаги таржимаси:

*If something there be which you knowest not,
Ask it of him who, that knowledge hath got;
If you ask it not because of thy pride,
Thou chastenest thyself, and scornest beside.*

Рус тилидаги таржимаси:

*Спроси у сведущих то, в чем не просвеще
И тем докажешь ты, что истинно учен.
А коль не спросишь их, то после—плачь—не плачь—
Невеждой и умерешь: сам себе палач.*

М. Уэттлин ва С. Н. Ивановнинг таржималарида аслиятдаги мазмун, фалсафий ғояни сақлаб қолиш мақсадида инглиз ва рус тилларининг ресурси, луғавий захирасидан қанчалик фойдаланишга уринишмасин ҳамда мазмунни тўлиқ баён қилиш учун синтактик ўзгартириш амалига мурожаат қилиб, гап қаторларини кўпайтириш йўлини танлашмасин, барибир ифодадаги табиийликка тўлиқ эриша олмаганлар. Алишер Навоий шеъриятига хос тароват, муסיқийликнинг йўқотилиши коммуникатив-функционал компетенциянинг суствлигидан хабар беради.

Таржима компетенцияси, шунингдек, маданий-прагматик қисмга эга бўлиши шарт. Бу қисмга қўйиладиган талаб анча мураккаб, чунки таржима қилинган матн “уни қабул қилувчи маданият қарамига ўтиши шарт” (24–25, 192), лекин бундай кўчимнинг яна бир шarti: миллий колоритни сақлашдан иборатдир. Таржима компетенциясининг бу қисмида маданий саводхонлик,

ифода шакллари таржимани қабул қилувчи этномухитга маъқул кўринишда танлаш каби талаблар фаоллашади. Бундан ташқари, таржимоннинг фаолияти маданий факторларни ҳис этиш, ахборот лисоний воқеланишнинг ўзига хос маданий кўрсаткичларни таъкидлаш ўрамида кечади.

Таржима компетенцияси шаклланишида маданий омилларнинг ролини таъкидламайдиган тадқиқотчи бўлмаса керак. Аммо улар негадир маданий кўрсаткичлар фақат бадиий матнларга хослигини таъкидлашни ёқтирадилар (баъзан бундай хусусиятга гуманитар фанларга оид, сиёсий-публицистик матнлар ҳам эгаллиги эслатилади). Бадиий ва техник фанлар соҳасидаги матнларда эса маданий коннотация ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини эътироф этувчилар сони кўпчиликни ташкил қилади ва бунинг сабаби терминларнинг барча лисоний маданиятлар учун бир хил маънода қўлланиши билан изоҳланади. Аслини олганда, терминларнинг маъно жиҳатидан байналминаллиги доимий кузатиладиган ҳолат эмас. Терминларнинг турли контекстлар, муҳитларда фарқли хусусиятларни акс эттириш доимий шарт эмас. Жумладан, "пўлат" термини металлург ва шифокор онгида турли ассоциацияни уйғотади.

Шунингдек, инглиз тилидаги "alloy steel" ва ўзбек тилидаги "қотишмали пўлат" бирикмалари металлнинг бир хил хусусиятларини акс эттириши қийин. Худди шундай ҳолатни тиббиёт соҳасида ҳам учратиш мумкин: муайян кўринишдаги симптомларга асосланган немис шифокорлари юрак касаллигини аниқлашса, уларнинг фаранг ҳамкасблари жигардаги дардга шифо излашар экан (3).

Хуллас, тиллараро таржимада терминлар танлови маданий меъёрларга амал қилишни талаб қилади (1). Умумий олганда, тиллар ва маданиятлар ўртасидаги муқобиллик терминлар ёки лисоний шаклларга эмас, балки оламни идрок этиш орқали туғиладиган тушунча, концепт боғлиқлигини эсан чикармайлик. Таржима қилинадиган бирлик ҳам айнан шу тушунчадир.

Айтилганлар таржимоннинг шароитга мос келадиган қарорга келиши билан боғлиқ. Мабодо таржима компетенциясининг лисоний қисмини фаолият бажарилишининг муҳим шarti сифатида қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда бу қисм тил тизимларини қиёсий тавсифлаш асосида қисман мос келадиган ёки умуман лақуналарни ўгириш пайтида юзага келадиган қийинчиликларни олдиндан башорат қилиш қобилияти кўринишида эътироф этилиши керак. Коммуникатив-функционал компетенция эса таржимоннинг лексик, грамматик, стилистик ва бошқа воситалар танлови мавжуд меъёрларга ҳозиржавоб кечишини таъминлайдиган қобилиятдир. Таржима

компетенциясининг маданий-прагматик қисми ҳам нутқий шаклларнинг маълум мулоқот вазиятларига мос равишда ҳамда таржиманинг адекватлигини таъминлашга қодир таржима нормалари доирасида танланишига оид қобилиятни назарга тутди. Кўрсатилган қобилиятларнинг шаклланиши узоқ муддатли меҳнатни талаб қилади. Шу сабаб, мутахассисларнинг бўлажак таржимонларга самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган касбий сифат кўникмаларни шакллантиришнинг энг мақбул йўли уларни бир нечта лисоний-маданий муҳитда тайёрлаш эканлиги тўғрисидаги фикрига кўшилиш мумкин (25, 160).

Турли мундарижадаги кўникма ва малакаларни шакллантириш таржимонлик касбини эгаллаш йўлидаги таҳлилнинг асосий мақсадидир. Аммо таржимани яратиш ва қабул қилиш шароитларида юзага келадиган кўникма ва малакаларнинг моҳияти бир хил эмас. Продуктив (ижодкорлик) ва рецептив фаоллашадиган малака ва кўникмалар фарқини инобатга олиб, таржима компетенциясининг продуктив ва рецептив қисмларини ажратиш мумкин. Ижодкорлик муҳитида фаоллашадиган танловлар кўпинча таржима стратегиясининг белгиланиши билан боғлиқ, чунки стратегия – бажариладиган ҳаракатлар ва амаллар мўлжалини олишдир. Таржима фаолияти маданиятлараро мулоқот акти намунаси сифатида талқин қилинаётган ҳозирги пайтда таржима стратегиясининг икки асосий ўқи, яъни тарихийлаштириш ва замонавийлаштиришга йўналтирилган ҳаракат ўқи фарқланади (6, 172–176). Бинобарин, маданий концептлар қаторига кирадиган замон категорияси айтилган йўналишлардан қайси бири танланишига биноан архаиклашуви (мавҳум ўтмиш кўринишини олиши) ёки тарихийлашуви (аниқ ўтмиш кўринишини олиши) ва ҳатто воқеалар баёни ҳозирги замонга кўчиб, замонавийлашуви ёки нейтраллашуви ҳам мумкин (қиёсланг: 19, 165–174).

Шунингдек, таржима компетенцияси тавсифлаётганида унинг маданиятга оид қисмларининг аҳамиятини ҳам эслатиш зарур. Бу қисм тарихий-маданий, адабий-бадиий, прагматик билимларни қамраб олиб таржиманинг тури, жанрига нисбатан ўзгариб туради ва кўпроқ маданий антропология, семиотика соҳаларида таҳлилга тортилади. Тиллар ва маданиятлар алоқага киришуви муҳитида таржимон доимо стратегия танловини ўзи ёки ўзганинг фойдасига ҳал қилиш муаммосига дуч келади. Булардан биринчиси – муаммони ўз фойдасига, яъни воқеалар баёнини ўз маданиятига мослаштириш (domestication) йўли билан ҳал қилиш бўлса, иккинчиси – “ўзгалаштириш” (alienating), яъни аслиятдаги баён услубини сақлашни маъқул кўришдир. Баъзан икки усулдан оқилона – бир хилда, ўзаро муносабатда фойдаланиш қарори устуворлик қилади.

Тажриба кўрсатишича, баъзан энг маъқул стратегияни онгли равишда танлаш ўрнига аслият шакли сиймосини сақлаб қолиш мақсади кўзланиб, таржима нусха кўчиришга айланиб қолади. Бундай нуқсоннинг юзага келиши лисоний-маданий сабабга эга бўлишдан кўра, кўпроқ психологик омиллар билан боғлиқ. Москвалик таржимашунос қайд этганидек, бундай ҳолатларда "таржима тилининг қолиплашуви" юзага келади (21)? Бу эса, ўз навбатида, интерферентлар, яъни хорижий тиллар ўзлашмаларидан фойдаланишга олиб келади. Бу сингари хатоликларнинг олдини олиш учун бўлажак таржимонларга муайян шарт-шароитга мос келадиган фаолиятни тўғри ташкиллаштириш кўникмасини сингдириш лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда тез суръатларда ривожланиб бораётган антропологик ёндашув доирасида матн ҳодисаси лисоний шахс қобилятининг маҳсули сифатида қаралмоқда. Дарҳақиқат, ҳар бир шахс ўз ҳаёти даврида тилдан фойдаланиш тажрибасини бойитиб боради ва тўпланган тажриба унинг коммуникатив етуклик даражасини белгилайди. Шу жараёнда шахснинг индивидуал лисоний тизими шаклланади ва бу тизим нутқий фаолият материалларига асосланиб, олам лисоний манзарасининг шу шахсга тегишли қисмини акс эттиради. Б. М. Гаспаровнинг кўпчиликка таниш бўлган китобида ёзилишича, "ҳар бир сўзловчининг лисоний хотираси реал бажарилган ва бажариш имконияти мавжуд бўлган нутқий актлар замирида шаклланади" (20, 106)? Коммуникатив тажрибанинг ҳар қандай нутқий актда фаоллашуви ва унинг шаклланаётган фикр билан алоқаси ҳақида мулоҳаза юритаётган Б.М.Гаспаров туғиладиган ассоциацияларнинг лисоний қобилят даражаси билан боғлайди. Шу йўсинда кўриниш берадиган индивидуал лисоний тизим, олимнинг қиёсича, "таркибидан давомсиз равишда ва турли йўналишларда ассимилятив ва ассоциатив муносабатлар заряди ўтиб турадиган плазмани эслатади" (20, 14)? Инчунун, таржима компетенциясининг креативлик билан боғлиқ қисми матн яратилишининг омилига айланади. Коммуникатив мақсад оламни идрок этиш ва шу аснода, унинг лисоний воқеланишига таъсир кўрсатиши аниқ. Ушбу ҳолат лисоний шахснинг турли тарздаги таржима стратегиясидан фойдаланишида ҳам намоён бўлади.

Айтилганлар, табиийки, таржима компетенциясининг индивидуал характерга эга эканлиги ва шахсга оид хислатлар мажмуасидан ўрин олишидан дарак беради. Маълумки, шахс компетенцияси тушунчаси этик, маънавий ва дунёқарашга оид қадриятлар тўпламидан ташкил топадиган оламнинг мазмуний манзарасини акс эттиради. Шу жиҳатдан, шахс компетенцияси олам манзарасининг концептуал қолиплаштириш мақсадига

хизмат қилиб, маданиятлараро мулоқот муҳитида бир-бирини етук даражада тушуниш учун шароит яратади. Ушбу компетенция таржимон онгининг ўзига хос захирасини ташкил қилиб, шахсинг когнитив тизимини, ақлий ва ҳиссий билим структуралари билан иш кўрувчи тафаккур имкониятларини, қобилиятини мужассамлантиради.

Касбий компетенция шаклланишининг муҳимлиги шундаки, инсоннинг касбий қобилиятга эга бўлиши унинг шахс мақомини олиши ва камол топишига асос яратади. Касбий фаолият субъекти бўлган таржимон ўзига нисбатан аниқ бир лисоний маданият соҳасидаги мутахассис муносабатини уйғотиши билан биргаликда, шахс сифатида ривож топади. "Таржимонлик касбига хос компетенция ривожига жараёнида бошқа таржимага алоқаси бўлмаган шахслардан тубдан фарқ қилувчи ўзига хос шахс шаклланади" (27, 326).

Таржимоннинг касбий компетенцияси кўп жиҳатдан унинг лисоний-когнитив билим структураларидан амалда фойдаланиш, ахборотни тезкорлик билан онг ҳудудига жойлаштириш ҳамда индивидуал билимни лисоний воқелантириш қобилияти ва шунга тайёрлиги билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, касбий қобилият шахс компетенциясининг ривожлантириш ва унга мундарижа бахш этиш мақсадини амалга оширади. Таржима компетенциясининг вазифаси маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келадиган тушунмовчиликларни бартараф этишдан иборат бўлиб, тушунарсизни тушунарлига айлантириш учун хизмат қилади.

Олам ҳақидаги билимнинг когнитив структуралари таржимон касбий компетенциясида муҳим ўрин тутадиган мазмунни тушунишга тўсқинлик қиладиган этномаданий контекстни ҳосил қилиши кузатилиб турилади. Натижада, тил бирликларининг маъносини тушуниш бутун нутқий тузилма мазмунини "чақиш" учун етарли бўлмай қолади, аксинча, луғавий маъно мазмунни англашга тўсиқ бўлиши, унга соя солиши мумкин. Жумладан, форс тилидаги "qor"an-ra mohr kardan" иборасининг сўзма-сўз таржимаси "Қуръонга муҳр қўймоқ" кўринишига эга. Бундай таржимада ҳеч қандай маъно йўқлиги боис, уни англаш ҳам мушкул. Уни тушуниш учун таржимон оламнинг миллий манзараси контекстида юзага келадиган билим захирасига мурожаат қилишга мажбур. Шиа мазҳабидаги мусулмонлар номоз ўқиётганларида Карбалодан келтирилган тупроқдан ясалган ва сиртида имом Ҳусайн қабрининг сурати туширилган сопол муҳрга бош тегизадилар. Худди шу одат яна бир ассоциация туғилишига туртки беради: мусулмон бандаси Қуръонни кўлга олганида уни, худди номоз пайтида сопол муҳрга бош тегизганидек, аввал лабига, кейин пешонасига тегизади. Айнан шу "номоз

мухри" билан боғлиқ ассоциация юқоридаги иборасини "Қуръонга содиқликка қасамёд қилмоқ" мазмунида тушунишга ундайди.

Воқеан, миллий-маданий кадриятлар, реалиялар ҳамда олам лисоний манзарасининг миллий контекстида шаклланган ассоциатив-семантик тузилмалар замирида ҳосил бўлган билим структуралари таржимон компетенциясининг ажралмас қисмига айланади. Таржимон касбий қобилиятини унинг шахсий компетенциясидан айри ҳолдаги тасаввур заиф хулосаларга сабаб бўлиши турган гап.

Андижон давлат университетида ўтказилган конференциялардан бирида таржимон, муайян лисоний жамоа вакили сифатида, лингвокогнитив компетенцияга эга бўлиши шартлигини алоҳида таъкидланди. Бундай компетенция, концептлар ҳақидаги лингвокогнитив, структур-семантик, коммуникатив-прагматик ва стилистик билимлардан ташқари, маълум қатордаги қобилият, малакалар эгалланишини талаб қилади. Ғ. Рахимов ушбу қаторда 18 турдаги қобилиятни киритиб, уларни атовчи терминларга батафсил изоҳ берган. Масалан, концептлар умумлашмасига оид билим концентуалитет, мазкур турдаги билимдан фойдаланиш қобилияти-концептабилитет, деб аталса, тил тизими ҳақидаги билим –лингвалитет, коммуникация борасидаги билим-коммуникалитет, маданият соҳасидаги билим-культуралитет номларини олган (28, 214–216). Маълум бир тил соҳиби бўлган шахсларнинг умумий қабул қилинган, барча учун тушунарли бўладиган мулоқот воситаларидан фойдаланиши аниқ. Бироқ уларнинг лингвокогнитив компетенциясида умумий ҳилқатлар устувор бўлиши билан бир қаторда, индивидуал хусусиятларнинг мавжудлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бу, айниқса, таржимон компетенциясининг фаоллашувида аниқ кўринади. Зеро, таржимон, аввал айтганимиздек, ўз вазифасини лисоний шахс сифатида адо этади. Ҳар бир шахс ўз луғат бойлигига эга ва ушбу бойлик таржима талабини қондирмаган тақдирда мавжуд манбаларга мурожаат қилади. Таржимон бажарадиган когнитив ҳаракатлар, энг аввало, индивидуал ҳарактерга эга. Психологлар тафаккур фаолиятининг шахсга хослигини қачонлардир эътироф этганлар: "Тафаккур фаолияти ҳар доим нафақат шахсий, балки ўзига хос индивидуалдир" (26, 197). Тафаккурнинг индивидуаллиги шахснинг муаммоли вазиятини ажрата олиши, унга мос келадиган вазифани белгилай олиши, вазифани бажариш шартларини аниқлаш қобилияти, мақсадга эришиш стратегияси ва тактикасини танлаш имкониятида намоён бўлади.

Хуллас, таржимонлик компетенцияси таҳсил ва таълим жараёнида эгалландиган қобилиятдир, унинг шаклланиш даври ғўрликдан бошланиб, то мутахассислик, моҳирлик даражасигача етиб боради. Шу сабаб, назариётчилар

таржима компетенцияси шаклланишини кўп босқичли жараён эканлигини эътироф этадилар. А. Честерман бу жараённи ҳаракатларнинг автоматлашиши даражасига етишини таъминловчи беш босқичга тақсимлайди: 1) таҳсилнинг бошланғич даврида юзага келадиган илк босқич (ажратилган ҳолда ва шартлар билан танишиш); 2) фаолиятнинг бошланиши (керакли белги-хусусиятлар билан танишиш); 3) қобилиятнинг шаклланиши (мақсадга эришишга имкон берадиган қарорга келиш); 4) профессионализм даражасига эришиш; 5) таржимонлик касбининг шахс ихтисослигига айланиши (Chesterman 1997).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, таржимонлик компетенциясининг эгаллаган ва олдин мавжуд бўлган декларатив билимларнинг омухталаниши муҳотида ҳамда уларнинг ижро ёки ижодкорлик қоидаларига мослашувида шаклландиган қобилият кўринишида тасаввур қилганимиз маъқул кўринади. Ушбу ходисанинг кенг миқёсда ўрганилиши, унинг таркибий таҳлили тўпланган маълумотларни назарий жиҳатдан умумлаштириш имконини бериши билан бир қаторда, таржимонлик қобилиятини шакллантириш ва шу касбга меҳр кўйган ёшларнинг маҳоратини чархлаш, уларнинг салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган амалий тавсияларни ишлаб чиқишдек муҳим, ижтимоий аҳамиятга молик вазифанинг ижросини жадаллаштиришига ишониш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ahrens H. Terminology, a translational discipline // Perspectives : Studies in Translationology discipline // Perspectives : Studies in Translationology. – Copenhagen, 1994. – P. 69–77.
2. Bell R.T. Translation and Translating: theory and practice. – London, 1991. —298 p.
3. C'est grave, docteur? In: Ecoute, 1990. 2,10.
4. Gile D. Basic Concepts and Models for Interpreter and Translator Training. – John Benjamins, 2009. – 278 p.
5. Harris B. The Importance of Natural translation // Working Papers on Bilingualism, 1977. Vol. 12. – P. 92–105.
6. Holmes J. S. The name and nature of translation studies // The translation Studies reader (ed.by L.Venuti). — London and New York, 2003. — P. 172–176.
7. Kelly D. A Handbook of translator Trainees. — Manchester: St. Jerome. 2005. — 151 p.
8. Kiraly D. Pathways of Translation. Pedagogy and Process. — Kent, 1995. — 175 p.
9. Neubert A. Competence in language, in Languages and in Translation // Developing Translation Competence. — Amsterdam: Philadelphia. — 2000. — P. 3–18.
10. Neubert A. Competence in translation: a complex skill, how to study and how to teach it // Translation studies – An Interdiscipline. — Amsterdam, 2004. — P. 411–420.
11. Nord C. Text Analysis in Translation: Theory, Methodology and Didactic Application of a Model for Translation-oriented Text Analysis. — Amsterdam: Rodopi, 1991. — 250 c.
12. Orozco M. Building a Measuring Instrument for the Acquisition of Translation Competence in Trainee Translators // Developing Translation Press, 2016. — P. 199–214.
13. Oxford advanced Learner's Dictionary of Current English. — Oxford, 2005. – 1899 p.

14. PACFE group. Acquiring Translation Competence. Hypothesis and Methodological Problems of a Research Project // Investigating translation. — Philadelphia, 2000. — P. 99–106.
15. PACTE group. Investigating translation competence: conceptual and methodological issues // Meta, 2005. Vol. 50 (2). — P. 609–619.
16. Shreve G.M. Cognition the evolution of translation competence // Cognitive Processes in Translation and Interpreting. — Thousand Oaks, CA: Sage, 2007. — P. 120–136.
17. Sternberg R. Cognitive Psychology. — Fort Worth: Harcourt Brace, 1996.
18. Vienne S. Teaching what they didn't learn as language students // Translation and Language Teaching: Teaching and Translation. — Manchester: Jerome, 1998. — P. 111–116.
19. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009. — 188 б.
20. Гаспаров Б. М. Язык, память, образ. Лингвистика языкового существования. — М.: Новое литературное обозрение, 1996.— 352 с.
21. Гусев В.В. Эмпатическая модель в формировании стратегии перевода// Вестник МГЛУ, 2003. Вып. 480: Перевод как когнитивная деятельность. — С. 26–41.
22. Кабакчи М.К. Билингвизм как ключевой фактор авторизированного перевода // Вестник СПбГУ. Серия 9, 2011. Вып. 3. — С. 111–117.
23. Комиссаров В.Н. Теоретические основы методики обучения переводу. — Москва: Рема, 1997. — 112 с.
24. Латышев Л.К., Проворотов В.И. Структура и содержание подготовки переводчиков в языковом вузе. — М.: НВИ-ТЕЗАУРУС, 2001. —136 с.
25. Семёнов А.Л. Основы общей теории перевода и переводческой деятельности. — М.: Академия, 2008. — 320 с.
26. Тихомиров О. К. Психология мышления. — М.: Изд-во МГУ, 1984. – 272 с.
27. Халеева И. И. Основы теории обучения пониманию иноязычной речи (подготовка переводчиков). — М, 1989. — 272 с.
28. Ҳошимов Ғ.М. К лингвокогнитивной компетенции носителя языка и переводчика // Таржиманинг когнитив, коммуникатив–прагматик ва лингвокультурологик аспектилари. — Андижон, 2015. — 218 с.

REFERENCES

1. Ahrens H. *Terminology, a translational discipline*, 1994, No.1, pp. 69-78
2. Bell R.T. *Translation and Translating: theory and practice*, London and New York: Longman 1991, 298 p.
3. C'est grave, docteur? In: *Ecoute*, 1990. 2,10.
4. Gile D. *Basic Concepts and Models for Interpreter and Translator Training*, Amsterdam, Philadelphia: John Benjamins, 2009, 278 p.
5. Harris B. *The Importance of Natural translation*, 1977, No.12, pp. 92-105.
6. *The translation Studies reader* (ed.by L.Venuti), London and New York: Routledge, 2003, 539 p.
7. Kelly D. *A Handbook of translator Trainees*, Manchester: St.Jerome, 2005, 151 p.
8. Kiraly D. *Pathways of Translation: Pedagogy and Process*, Kent: The Kent State University Press, 1995, 175 p.
9. Neubert A. *Developing Translation Competence*, Amsterdam: John Benjamins, 2000, pp. 3-18.
10. Neubert A. *Translation studies: An Interdiscipline*, Amsterdam: John Benjamins, 1994, pp. 411-420.

11. Nord Ch. *Text Analysis in Translation: Theory, Methodology and Didactic Application of a Model for Translation-oriented Text Analysis*, Amsterdam, Atlanta: Rodopi, 1991, 250 p.
12. Orozco M., *Developing Translation Competence*, 2016, No.16, pp. 199-214.
13. *Oxford advanced Learner's Dictionary of Current English*, Oxford: Oxford University Press, 2005, 1899 p.
14. PACTE group (A. Beeby, M. Fernández, O. Fox, I. Kozlova, W. Neunzig, M. Presas, P. Rodríguez, L. Romero. Principal investigator: A. Hurtado Albir). *Investigating translation*, 2000, pp. 99-106.
15. PACTE group (A. Beeby, M. Fernández, O. Fox, I. Kozlova, W. Neunzig, M. Presas, P. Rodríguez, L. Romero. Principal investigator: A. Hurtado Albir). *Meta*, 2005, Vol. 50 (2), pp. 609-619.
16. Shreve G.M. Cognition the evolution of translation competence // *Cognitive Processes in Translation and Interpreting*. – Thousand Oaks, CA: Sage, 2007. – P. 120-136.
17. Sternberg R. *Cognitive Psychology*, Fort Worth: Harcourt Brace College Publishers, 1996, 584 p.
18. Vienne J., *Translation and Language Teaching*, 1998, pp. 111-116.
19. Boimirzaeva S. *Matn mazmunida temporallik semantika* (Temporallik semantics in textual content) Tashkent: State scientific publication "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2009, 188 p.
20. Gasparov B. M. *Yazyk, pamyat', obraz. Lingvistika yazykovogo sushchestvovaniya* (Language, memory, image. Linguistics of linguistic existence), Moscow: New literary review, 1996, 352 p.
21. Gusev V. V. *Empaticheskaya model' v formirovanii strategii perevoda* (Empathic model in the formation of a translation strategy), Barnaul, 2003 480 p.
22. Kabakchi M. K. *Вестник*, 2011, No. 9, pp. 111-117.
23. Komissarov V. N. *Teoreticheskie osnovy metodiki obucheniya perevodu* (Theoretical foundations of translation teaching methods), Moscow: Rema, 1997, 112 p.
24. Latyshev L. K., Provorotov V.I. *Struktura i sodержanie podgotovki perevodchikov v yazykovom vuze* (Structure and content of training of translators in a language University), Moscow: Of NVI-Thesaurus, 2001, 136 p.
25. Semenov A. L. *Osnovy obshchei teorii perevoda i perevodcheskii deyatel'nosti* (Fundamentals of General theory of translation and translation activities), Moscow: Academy, 2008, 320 p.
26. Tikhomirov O. K. *Psikhologiya myshleniya* (Psychology of thinkin), Moscow: Moscow state University, 1984, 272 p.
27. Khaleeva I. I. *Osnovy teorii obucheniya ponimaniyu inoyazychnoi rechi (podgotovka perevodchikov)* (Fundamentals of the theory of learning to understand foreign language speech (training of translators), Moscow: Moscow state University 1989, 272 p.
28. Hoshimov F. M. *K lingvokognitivnoi kompetentsii nositelya yazika i perevodchika* (For linguistic and cognitive competence of media ask and translator), Andizhon. 2015, 218 p.